

ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЛАНТИРИШ**Хайдаров Бунёд Маликбоевич**

НамДУ таянч доктаранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7445116>

Аннотация. Маълумки, ўқитиш усуллари ўқитувчининг талабалар билан муайян мақсадларга эришиш йўлидаги фаолиятдан таркиб топган педагогикжараённи мувофиқлаштирувчи субъект бўлиб, “нимани?”, “кимга?”, “қандай?” ва “қанча?” ўргатиш зарурлиги ҳақидаги масалаларни ечиб беришга хизмат қилади.

Калит сўзлар: ижодий фаолият, руҳият, креатив, истеъдод.

ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ

Аннотация. Известно, что методы обучения являются координирующим субъектом педагогического процесса, состоящего из деятельности учителя с учащимися по достижению определенных целей: «что?», «кому?», «как?». и «сколько?» служит для решения вопросов о необходимости обучения.

Ключевые слова: творческая деятельность, психика, творчество, талант.

FORMATION AND DEVELOPMENT OF CREATIVE COMPETENCE OF STUDENTS

Abstract. It is known that teaching methods are the coordinating subject of the pedagogical process, which consists of the teacher's activities with students to achieve certain goals: "what?", "to whom?", "how?". and how much?" serves to address questions about the need for training.

Keywords: creative activity, psyche, creativity, talent.

Ёш авлодни етук, баркамол ва интеллектуал даражасини юқори қилиб тарбиялаш ҳамма замонларда ҳам эътиборли ва долзарб вазифа бўлиб келган. Шу билан бирга мазкур вазифа кенг хажмга эга ва мураккаб ҳисобланади. Ҳозирги кунда талабаларининг креатив қобилиятини ривожлантириш педагогиканинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Ҳар томонлама баркамол ривожланган, фаол, ўз олдида турган вазифаларни ижодий ҳал қилишга қодир ва бутун кучини ишлашга сарфлайдиган инсонларни тарбиялаш бизнинг умумий вазифамиздир. Бу вазифани ҳал қилишда ижодий фаолият пойдеворига асос солишда дарс машғулотларининг ўрни муҳимдир. Бизнинг давримизда креатив компетентликни ривожлантириш муаммоси, аниқроқ қилиб айтганда, уни эрта уйғотиш ва ривожлантириш долзарб бўлиб, бу борадаги ишлар эса амалий аҳамиятга эга.

Одам боласининг шахс сифатида шаклланиши мураккаб тадрижий ривожланиш йўлига эга. Ҳар бир бола руҳияти ўзига хос бўлган мураккаб конфигурацияга эга, шу билан бирга унга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таъсири ҳам жуда хилма-хилдир. Бу мураккаб жараённи тўлиқ ўрганиб чиқиш учун кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилиши керак бўлади.

Маълум бўлишича, ўқувчи онтогенезининг дастлабки даврлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Хусусан боланинг 2-6 ёшлар орасидаги даврида саксон фоизгача ўқувчи хусусиятлари шаклланиши ҳақидаги маълумотлар бор. Психологияда мавжуд бўлган импиринтинг (қайд қилиш) назариясининг тарафдорларига кўра боланинг ўқувчи хусусиятлари шаклланишида илк тажриба муҳим ва биринчи даражали аҳамиятга эга.

Демак, бу даврнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, болада креатив қобилиятларни ривожлантириш йўллари кидиришимиз керак бўлади.

Бизнинг фикримизча, ўқувчиларда креативлик қобилиятини ривожлантиришда куйидаги тартибда фанларда кўришимиз мумкин:

1. Боланинг тасвирий санъат фани дарс жараёнида расм чизиш билан машғул бўлиши натижасида, ундаги хаёл ва тасаввур жараёнлари ривожланади. Мазкур ривожланиш ўз навбатида тафаккурни кучайтишига туртки беради. Натижада, мазкур икки билиш жараёнларининг мувофиқлашуви креатив компетентлигининг кашф этиш хусусиятини юзага келтиради.

2. Мусиқа фанини таҳлил қилиб кўрсак. Биз биламизки, кўриш сезгиси одамларда етакчи ўрин тутаяди. Тўксон фоиз ахборотни кўриш орқали қабул қиламиз. Аммо, мусиқани кўриш мумкин эмас. У эшитилади ва ҳис қилинади. Демак, мусиқа билан шуғулланиш бола руҳиятидаги “мудроқ” хусусиятларни жонланишга олиб келишини тахмин қилишимиз мумкин.

3. Технология фани. Конструкторлик ўйинлари ва бошқотирмалар. Мазкур фаолият ўқувчилардаги табиий лаёқатни шаклланган тус олишига ва креатив компетентлигининг дастлабки куртакларини амалий фаолиятда намоён бўлишига хизмат қилади.

Юқоридаги фаолият турлари билан ўқувчиларни муваффақиятли шуғулланишларини таъминлаш ва улар орқали самарали натижаларни қўлга киритиш учун телевизор томошаси ва компьютер ўйинларини бутунлай чеклаш керак бўлади. Чунки бундай воситалар томошабинлик ва дангасаликка маълум даражада мойил бўлган одам руҳиятини, ақлий фаоллик (ақлий меҳнат) ва иродавий зўр бериш билан кечадиган юқоридаги фаолиятлардан четланишига олиб келади.

Талабаларда ижодий тафаккур – креативликни улар учун қулай ва қизиқарли бўлган соҳаларда намоён этиб тарбиялаш умумтаълим мактабларининг биринчи галдаги вазифасига киради. Кўпгина ҳолларда ўқувчиларнинг ноанъанавий, янгича (ностандарт) ёндошилган ишини кўрган одам бундан фақат ўта қобилиятли ёки истеъдодли одамгина бажара олиши мумкинлиги ҳақида ўйлайди. Ҳолбуки, одамларни ҳайратга солувчи бундай ишларни ҳамма ҳам бажара олиши мумкин. Талабаларда лаёқат, истеъдод, креативлик ҳар қанча ҳайратомуз бўлмасин, таълим-тарбиядан ташқаридаги фаолиятда камол топа олмайди. Креативликни ривожлантиришнинг энг унумли йўллари билан бири барча ўқувчиларни бошланғич синфданок маҳсулдор ижодга ва касбга ўрганиш билан машғул бўлишга жалб этиш, дарсларни ижодий тарзда ташкил қилиш, турли хил ноанъанавий дарс усуллари билан кенг фойдаланишдир.

Креативлик – ижодий тафаккур ва тасаввурни ривожлантириш, вазифаларни ижодий бажаришга йўналтирилган ақлий қобилиятдир. Қобилиятни ривожлантириш маълум бир ўқувчида инсониятнинг моддий ва маънавий бойликлари, билимларининг тарихий ривожланиши натижасида тўпланган тажрибасини эгаллаш билан узвий боғлиқ.

Талабалардаги креатив компетентлик кўп қиррали бўлиб, бошқаларни жалб қиладиган, ўзини баркамол инсон деб ҳис қиладиган бўлмоғи керак. Ижодий фаолиятни ўргатиш жараёни шундай бўлиши керакки, ҳар бир ўқувчи қобилиятини намоён қилиши ва унинг мажмуаларини ривожлантириши, ўз-ўзини билишга ўрганиш, маълум даражада

тафаккури, фантазияси ҳамда тасаввур қилишни ривожлантиришга қаратилган бўлмоғи лозим.

Креатив компетентликни ривожлантириш ҳақида гапирилганда, ижодда тасаввур қилиш, фантазия ва орзу муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳамда унинг асосий қисмларидан бири ҳисобланишини унутмаслик керак. Ижод тасаввур қилиш фаолияти билан узвий боғлиқ. Тасаввурсиз одам деярли ижодий фаолият билан шуғуллана олмайди, у фақат борлиқнинг заиф нусхасини ярата олиши мумкин. Тасаввур қилиш бу ўзи эга бўлган тажриба асосида янги образларни яратишдан иборат мураккаб руҳий жараён дир.

Креатив компетентлигини муваффақиятли ривожлантиришни фақат маълум шароитни яратиш ҳамда уни қулай шакллантириш билан амалга ошириш мумкин. Ижодни ривожлантиришнинг бири боланинг ўз-ўзини юқори баҳолаш, яъни унда ўз кучи ва ақлий имкониятларига етарли даражада ишонч уйғотишдир. Бола “омад мазаси” ни билиши керак. Ўқувчининг омади унинг ишининг якуни бўлиши керак эмас, балки бошланиши бўлмоғи зарур. Боланинг қобилиятини ривожлантиришнинг иккинчи шартини муносиб психологик иқлимни яратиш ҳисобланади. Айнан ўқитувчи болани биринчи кунлардан бошлаб мактабда унинг креатив компетентлигини ривожлантириш учун мукофотлаши ва рағбатлантириши керак.

Ижодий тафаккур – психик фаоллик, мустақиллик қандайдир янги, оригинал яратишдир. Ижод фан ва санъатда кашфиётни, инсон цивилизациясининг барча ихтироларини, инсонларнинг ҳаёт шаклини ҳамда инсон ижодий фаолиятининг натижасини белгилаб берди. Ҳозирги замонавий мактабнинг талаби нафақат билим бериш, балки амалий ишларда ўқувчини муаммони қўйиш қобилияти ва уни ҳал қилиш йўллари ҳамда янги ижодий фаолиятни мустақил излашга ўргатишдан иборат.

REFERENCES

1. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Электротехника ва электроника асослари. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: 2017.-40 б.
2. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Рўзгоршунослик асослари. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: 2017.-46 б.
3. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... дисс. – Т.: 2012.-308 б.
4. Шарипов Ш. Касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчилар ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг узлуксизлиги. // Монография. – Т.: Фан, 2005. – 136 б.